

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ОЛИМАЛАРНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛШУНОСЛИГИ РИВОЖИГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ

Пирниязова А.К.

филология фанлари доктори (DSc)

Ажиниёз номидаги НДПИ

Аннотация. Мақола қорақалпоқ тилишунослигига катта қисса қушаётган оима аёлларга бағишиланган. Уларнинг лексикология ва грамматика буйича ишлари Ўзбекистондан ташқарига ҳам маълум, улар яратган дарслик ва ўқув қўлланмалари олий таълимда фойдаланилмоқда.

Калит сўзлар. Илмий даражса, олималарининг ҳиссалари, филолог, илмий-педагогик фаолият, лексикология, грамматика.

Аннотация. Статья посвящена филологам-женщинам, их вкладу в каракалпакское языкознание. Их труды по лексикологии и грамматике известны за пределами Узбекистана, ими составленные учебники и учебные пособия используются в вузах.

Ключевые слова. Ученая степень, вклад ученых-женщин, филолог, научно-педагогическая деятельность, лексикология, грамматика.

Summary. The article is devoted to female philologists and their contribution to Karakalpak linguistics. Their works on lexicology and grammar are known outside of Uzbekistan; the textbooks and teaching aids they compiled are used in universities.

Keywords. Academic degree, contribution of female scientists, philologist, scientific and pedagogical activity, lexicology, grammar.

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш Ўзбекистон Республикасининг устувар ва асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқдаки, бу юртимизда уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва муҳофазаланганлигидан дарак беради. Замонавий шароитда тобора барқарор ривожланиб бораётган Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан ва таълим тизимида ҳам тўлақонли иштирок этиши, инсоний фаолиятнинг турли соҳаларида уларнинг рақобатбардош имкониятларини янада кучайтиришнинг умумжаҳон тенденцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барқорар ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мазкур жараёнларда хотин-қизларнинг роли артиб бормоқда.

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида олималар ҳам ўз қўп қиррали фаолиятини олиб бормоқда. Бугунги кунда институтда фаолият кўрсатаётган илмий даражали аёл профессор-ўқитувчилар сони 107та бўлиб, шундан 7 фан доктори, 100 фан номзодлариридир.

Институт олималари нафақат ўқув-тарбия ва илмий ишлар билан шуғилланадилар, балки ўз касбий маҳоратларини маънавий-маърифий ишларни ҳам фаол юритадилар. Ёшларни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

тарбиялашда аёлларнинг роли бенихоядир. Улар бу жараённинг қуйидаги йуналишларида ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолликларини намоён етмоқдалар: ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда; педагогик фаолият жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда фаол иштирок этиш орқали ёшларнинг билимли, аҳлоқли инсонлар бўлиб етишишига эришиш, ўларнинг дунёқараси ва мағкурасини шакллантиришда; оила ва институт орқали ёшларда меҳнатда фидокорлик, Ватанга мухаббат туйғусини шакллантириш, жисмоний ва маънавий соғлом ватанпарвар шахслар қилиб тарбиялашда; ёшларни мустақил ҳаётга, ота-она бўлишга таёrlашда. Хотин-қизлар орасидан чиққан истеъдодли олималар, таниқли кашфиётчилар, фидойи аёллар жамиятга манфаат келтирадиган комил инсонларни тарбиялади. Хотин-қизларнинг ақлий заковати, маърифатпарварлигидан оқилона фойдалониш – жамият тараққиётини янги мэрраларга олиб чиқиши шубҳасиз.

Қорақалпоқ тилшунослигининг ҳартомонлама монографик асосда тадқиқ этилишида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти олималарининг ҳиссалари анча. Қорақалпоқ тилшунослиги кафедрасида 21 та профессор-ўқитувчи бўлиб, аёллар 13 тани ташкил қиласиди ва улардан 2 таси филология фанлари доктори (DSc), 7 таси фан номзодлариdir.

Ўлар илмий-педагогик фаолияти давомида қорақалпоқ тилшунослигининг истиқболи билан боғлиқ илмий изланишлар олиб бормоқда ва ўзларининг илмий тадқиқотларида янгиликлар, фаннинг долзарб мавзуларига бағишлиланган маъruzалари билан Халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда фаол иштирок этмоқда.

Масалан, А.Пирниязованинг докторлик диссертацияси қорақалпоқ тили фразеологик системаси ва унинг стилистик имкониятларига бағишлиланган [5].

2022-йили Б.Юсупова “Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг фоностилистик таҳлили” мавзусида филология фанлари доктори (DSc) диссертациясини химоя қилди. Диссертация ишида қорақалпоқ тили фразеологиясининг фонетик тизими товуш такрори ва унинг турлари негизида тадқиқ қилинган, эвфоник фразеологизмларнинг фонетик, лексик-тематик, структур, услубий хусусиятлари аниqlанган. Б.Юсупова томонидан қорақалпоқ тилшунослигига фразеологизмларнинг фоностилистик йўналишида тадқиқ қилишнинг назарий асослари яратилди, фонетик такрорнинг фразеологизмлар компонентлари тузилишидаги вазифаларини ассонанс ва аллитерация усуллари орқали тадқиқ қилинди, эвфоник фразеологизмларда синонимия ва вариантилий ҳодисалари таҳлил қилиниб, некротизм компонентли фразеологизмларга баҳо берилди; эвфоник фразеологизмларни тематик

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALAR”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

гурухларга ажратиб, фразеологизмларда товушларнинг жойлашиш структураси аниқланди ва фразеологизмларни трансформациялаш усуллари белгилаб берилиб, фонетик такрор натижасида пайдо бўладиган товуш гармонияси, эмоционал-экспрессивлик, образлилик имкониятлари ўз баҳосини топган [6].

Филология фанлари номзодлари, доцентлар Д.Сейдуллаева қорақалпоқ тилидаги кириш сўзлар, кириш сўз бирикмалари, кириш гаплар ҳақида, Г.Патуллаева қорақалпоқ тилидаги эгалик муносабатларининг ифодаланиши ҳақида, Б.Курбанбаева қорақалпоқ тили жанубий диалектининг сўз ясалиш ва морфологик хусусиятлари ҳақида, С.Шынназарова Қорақалпоғистоннинг Конликўл худудидаги қорақалпоқларнинг нутқидаги хусусиятлари ҳақида, Ембергенова М. қорақалпоқ тилидаги грамматик категориялар хусусида бўйича номзодлик диссертацияларини химоя қилдилар.

2021-йили Опаева Р. қорақалпоқ тилидаги қўшма сўзларнинг грамматик хусусиятлари, Е.Искендерова қорақалпоқ тилидаги зоонимларнинг лингвомаданий хусусиятлари бўйича филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини химоя қилишди.

Профессор-ўқитувчи аёллар учун НДПИда барча шароитлар мавжуд. 2005-йилдан буён ҳар йили «Олим аёлларнинг фан-техника тараққиётидаги ўрни» атамасида республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиб, тезислар тўплами нашр қилинмоқда [1;2;4;6;9]. Халқаро илмий-назарий конференциялар, анжуманлар ва кенг миқёсда форумлар орқали НДПИ олималари ҳам дунёга танилмоқда.

Қорақалпоқ тили кафедраси олималари талабаларни ўқитиш ва тарбиялашда, илмнинг амалиёт билан боғлиқлигига эътибор қаратиб, дарс жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини жорий этиш, янги авлод дарсликларини яратиш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Олималар шунинг билан бирга талабалар учун дарсликлар ҳам ёзиб, нашрдан чиқармоқда. Кафедра олималари томонидан сўнги йиллари 12та монография, ОТМ учун 3та дарслик, умумтаълим мактаблари учун 4та дарслик, 14та ўқув қўлланма, 8та терминологик ва таржима лугатлари чоп этилган. Улар томонидан яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари институтта ва мактабларда дарс жараёнида фойдаланилмоқда.

Қорақалпоқ тилшунослиги ривожи йўлида меҳнат қилаётган олималар таълим бериш билан бирга ёшларга яхши фазилатларни ҳам тарғиб этиб келмоқда. Ўз фаолиятлари давомида олималар кўплаб шогирдлар етиштириб келяпти. Институт олималари Қорақалпоқ тили ва адабиёти бакалавриат, магистратура, докторантураси йўналишидаги филологларга илмий-назарий

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

савиядада, янги инновацион технологияларга асосланган намунали маъruzалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб бормоқда. Талабалар билан яқин мулоқотда бўлиб, ўқув дастуридан ташқари, нафақат Қорақалпоғистон, балки, дунё ҳамжамиятига оид бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишиланган ҳар хил таълим-тарбиявий тадбирлар, семинар ва учрашувлар ташкил этишда жонбозлик қўрсатиб келмоқда.

Халқимизнинг ҳозирги миллий-маънавий қадриятлар тизими жуда бой. Ёшлар амал қилиши керак бўлган шундай қадриятлар ҳам борки, бу - сўзга бойлик, уйлаб, ўлчаб гапириш, босиқ ва сабр-тоқатли бўлишdir. Ширин сўзлаб, ўз атрофига яқинларини бирлаштира олиш ҳам яхши фазилат ҳисобланади. Яхши фазилатлар ҳам маънавий қадриятларdir.

Мамлакатимизда илм-фанни тараққий эттириш учун астойдил тер тўкаётган, фидойи олималар бор экан, бу юртнинг келажаги порлоқ, халқи эса бой, бадавлат бўлади.

Адабиётлар:

1. «Аёл ва мустақиллик». Республика илмий-амалий анжумани маъruzалар тўплами. Тошкент, 2007.
2. «Илимпаз ҳаял-қызлардың жәмиийеттеги орны». Республикалық илмий-әмелий конференция материаллары. Нөкис, 2009.
3. Искендерова Е. Қорақалпоқ тилидаги зоонимларнинг лингвомаданий хусусиятлари. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферети. Нукус, 2023.
4. «Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тўтган ўрни». Республика илмий-амалий анжумани маъruzалар тўплами. Тошкент, 2006, I, II қисм.
5. Опаева Р. Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отларнинг лингвистик таҳлили. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферети. Нукус, 2020.
6. «Өзбекстан илимпаз ҳаял-қызларының илим-техника раўажланыўында тутқан орны». Республикалық илмий-әмелий конференция тезислери. Нөкис, 2005.
7. Пирниязова А. Қорақалпоқ тили фразеологик системаси ва унинг стилистик имкониятлари. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Нукус, 2020.
8. Пирниязова А., Патуллаева Г. Илимпаз ҳаял-қызлар. Тошкент: BAYOZ, 2015.
9. «Ҳаял-қызлардың илимдеги орны». Республикалық илмий-әмелий конференция тезислери. Нөкис, 2008.
10. Юсупова Б. Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг фоностилистик таҳлили. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Нукус, 2022.